Иқтисодий–ҳуқуқий газета
# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
N 47 (436) ● 2013 йил 26 ноябрь
2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ҲАМ РИВОЖЛАНИШ УЧУН, ҲАМ ҲОРДИҚ УЧУН




***Ўтган ҳафта «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» III миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 60 дан ортиқ маҳаллий ва 10 та хорижий компания иштирок этди.***

Улар кенг доирадаги ишбилармонлик, таҳлилий, ўқув, кўнгилочар ахборотни тақдим этадиган ўз газета, журнал, китоб ва интернет-ресурсларини тақдим этдилар. Шуни қайд этиш жоизки, кўп сонли ташриф буюрувчилар босма нашрлар стендлари олдида тўхтаб, республика, идоравий ва мустақил газеталар билан танишдилар, нашрларнинг сўнгги сонларини сўрадилар ва материалларнинг мавзувий тахламлари билан танишдилар.

Газета ва журналларнинг аксарияти бугунги кунда ўз электрон версияларига эга бўлиб, улар ҳам кўргазмаларга қўйилган эди. Гарчи электрон сайтлар аста-секин босма нашрларни сиқиб чиқараётган бўлса-да, кўргазмада маълум бўлишича, ташрифчиларда босма нашрларга ҳам қизиқиш анчагина катта бўлган.

Кўргазмада «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталари, «top» реклама журналини чиқарувчи «NORMA» газеталари бирлашган таҳририяти» ҳам иштирок этди. Шуни таъкидлаш лозимки, ихтисослашган иқтисодий ва ҳуқуқий нашрлар билан қизиқувчи меҳмонларнинг қадами компания стендлари олдидан ҳеч ҳам узилмади. Уларнинг эътиборини «NORMA» иқтисодий-ҳуқуқий нашриёти чоп этаётган босма ҳамда электрон китоблар, хусусан бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш бўйича китоблар жалб этди.

Кўргазма Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Вазирлар Маҳкамаси кўмагида ўтказилди.

«Ўзбекистон матбуоти» кўргазмаси хилма-хил китоб маҳсулоти – ихтисослаштирилган, ўқув, кўнгилочар адабиётларини тақдим этди. Кўргазма доирасида «Йилнинг энг яхши китоби» бешинчи республика танлови натижалари бўйича мукофотлаш ўтказилди.

Давлатимизнинг кўмаги ва жамиятнинг эҳтиёжи мамлакатда журналистикани ривожлантиришнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1300 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилган. Уларнинг жамиятдаги роли тобора ошиб боряпти.

Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш назарда тутилган, у қонун йўли билан ОАВ позициясини мустаҳкамлайди, улар фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш мақсадида уларнинг давлат органларининг ахборот хизматлари билан ҳамкорлигини тартибга солади.

*Ўз ахборотимиз.*

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.***

NORMA
norma.uz

### ТАДБИРКОР ФЛЕШКАНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

**Президентнинг 14.11.2013 йилдаги ПҚ-2066-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (*Президентнинг 24.05.2006 йилдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган*) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатларни нафақат ўзи келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали, балки Интернет тармоғи орқали ҳам тақдим этишлари мумкин. Ҳужжатлар мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан имзоланиши лозим.

Мурожаатномага Интернет тармоғи орқали жўнатиш мумкин бўлмаган қуйидаги ҳужжатлар илова қилинадиган ҳоллар бундан мустасно:

қайта ташкил этилганда – қайта ташкил қилинаётган (қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш йўли билан) юридик шахснинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, муҳри ва штампи;

номи ўзгарганда – давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва янги фирма номи захирасига олиниши тасдиғи, алмаштирилаётган муҳр ва штамп, шунингдек икки нусхада янги муҳр ва штампнинг эскизлари.

Қоғозда расмийлаштирилган ва (ёки) берилган сканерланган ҳужжатларни тақдим этишга йўл қўйилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тадбиркорлик субъектига реал вақт режимида, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг Интернет тармоғидаги тегишли идоравий сайтларидан фойдаланган ҳолда олинган СТИР ва ОКПО кодларини беради (идоралараро электрон ёзишмалар йўли билан кодларни бериш тартиби ўз кучини йўқотди).



Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш давлат интерактив хизматларини кўрсатиш Ягона порталидан фойдаланувчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Бу ерда мурожаат этувчи рўйхатдан ўтиш ҳақида хабардор қилинади. Тадбиркорлик субъектларини электрон шаклда давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги ҳужжатларда рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси бўлиши лозим. Улар берилган сана бўлиб шахсий кабинети орқали рўйхатдан ўтказувчи органнинг хабарномаси мурожаат этувчи томонидан қабул қилиб олинган кун ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган электрон ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда мурожаат этувчи уларнинг асл нусхаларини Интернет тармоғи орқали тақдим этишга ҳақли. Мурожаат этувчи қоғозда расмийлаштирилган тегишли ҳужжатларни ўзи келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали ҳам олиш ҳуқуқига эга.

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра унинг тикланган нусхаси, шу жумладан электрон шаклдаги дубликати тақдим қилинади. Бун-

3-бетда

БИЗНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИМИЗ

## ҚОНУНГА ИТОАТ ҚИЛИШ – БОШ МАҚСАД

***Ўтган ҳафтада «NORMA» газеталари бирлашган таҳририяти» ва «NORMA» профессионал ривожланиш маркази бухгалтерлар учун семинар ўтказди. У иқтисодий жиноятлар мавзусига бағишланди. Ҳуқуқшунос экспертлар Элеонора Мазурова «Mirobod Kollegiyasi» адвокатлар ҳайъатининг аъзоларидан бири ва «Фидес» адвокатлик фирмасининг бошқарувчи шериги Ринат Ахмедшин семинар иштирокчиларига бухгалтерия ҳисоби мутахассислари кўпинча жавобгарликка тортиладиган иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг турлари, уларни ким ва қандай қилиб аниқлаши, маъмурий ёки жиноят иши қўзғатилган чоғида нима қилиш кераклиги тўғрисида гапириб бердилар.***

Бошловчилар эслатиб ўтдиларки, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, бухгалтерияга оид ва бошқа ҳисоб ҳужжатларини яшириш, йўқ қилиш, сохталаштириш, шунингдек олинган фойда ёки мол-мулкни яшириш, ўз мулкий мажбуриятларини бажармаслик, мол-мулкни йўқ қилиш ёки бошқа шахсга ўтказиш – буларнинг барчаси солиқ солинадиган базани камайтиришга олиб келади ва улар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин. Масалан, сизнинг олдингизда кредиторлик қарзи бор бўлган компанияга товар етказиб беришда давом этишингиз учун сизни қоидабузарликни содир этишда кўмаклашганлик учун жавобгарликка тортишлари мумкинлигини баъзилар билмаган эдилар.

Тингловчиларда дебиторлик қарзи масаласи катта қизиқиш уйғотди. Экспертлар бундай қарз мавжуд бўлганда ҳеч ҳам орқага сурмасдан, дарҳол ундирув ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни суд муҳокамасини бошлаш учун юристга топширишни маслаҳат бердилар. Чунки бу ишни ўз вақтида қилмаслик ва бухгалтериянинг ҳаракатсизлиги кейинчалик мансаб совуққонлиги сифатида талқин этилиши эҳтимолдан холи эмас. Тўлов муддатини кечиктириш мумкинлиги тўғрисидаги саволга бошловчилар бунинг учун қўшимча битимни расмийлаштириш лозимлигини тушунтирдилар. Бироқ хавфдан холи бўлишни таъминлаш мақсадида ҳар эҳтимолга қарши қарз юзага келган пайтдан бошлаб

2-бетда

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

да давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида электрон шаклда аввал берилган гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

## РУХСАТНОМА «БИР ДАРЧА»ДАН БЕРИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 24.10.2013 йилдаги 288-сон қарори билан Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар (2014 йил 1 январдан кучга киради), жумладан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга *(ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган)* ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Ҳужжат билан хоналар, бинолар, иншоотларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадни таъмирлаш) учун рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби белгиланди. Асосий тушунчаларнинг қуйидаги таърифлари меъёрий мустаҳкамланди: объектни қайта ихтисослаштириш; объектни реконструкция қилиш; бино ва иншоотнинг фасадини ўзгартириш.

Муҳим жиҳат шундан иборатки, тадбиркор рухсатнома олиш учун аввалдан у учун очилган «бир дарча»га – ҳужжатларни ваколатли органлардан ўтказилиши кетма-кетлигини таъминлайдиган Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилади.

Хоналар ёки биноларларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш мақсадлари ва хусусияти турлича бўлган ҳолатларда рухсатнома олиш таомиллари эса ўхшаш бўлади. Ариза билан бирга топшириладиган ҳужжатлар рўйхати ҳар бир ҳолат учун аниқ тартиблаштирилган. Тадбиркор ариза билан Инспекцияга мурожаат қилади, Инспекция объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсатнома олиш учун мурожаат қилинган тақдирда ҳужжатларни туман (шаҳар) Архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига), турар жой биноларини нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун ҳужжатларни туман (шаҳар) ҳокимиятига юборади.

Ҳужжатлар ҳақ ундирилмасдан кўриб чиқилади. Ваколатли орган ҳар бир мурожаат учун белгиланган муддатларда рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши лозим. Агар белгиланган муддатда қарор қабул қилинмаса, у ҳолда тегишли ҳужжатлар топширилган рухсатномани олиш муддати тугаши билан ариза берувчи Инспекция орқали ваколатли органни бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилган



ҳолда ҳаракат (фаолият) содир этишга ҳақли. Ваколатли орган эса хабарнома олинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида рухсатнома бериши лозим. Уни олгунга қадар ҳаракат (фаолият) содир этиш учун асос бўлиб, ариза берувчи томонидан ваколатли органга юборилган уларни қабул қилиш санаси ҳақида белги қўйилган тақдим этилган ҳужжатлар баёни ва ёзма хабарнома ҳисобланади.

Рухсатномани беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этишнинг сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда ариза берувчига юборилади.

Ҳужжатлар 3 иш кунидан ошмаган муддатда қайта кўриб чиқилади. Рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза янгидан берилган деб ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Ваколатли орган томонидан рухсатнома берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Рухсатнома йўқолган ёки бузилган тақдирда ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида йиғим ундирилмаган ҳолда дубликат берилади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг турар жойни (ёки унинг бир қисмини) нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади (кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилади) ва Инспекцияга ариза берувчига тақдим этиш учун гувоҳнома берилади. Мазкур таомил учун юридик шахслардан ЭКИҲнинг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса — 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади. Нотурар жой тоифасига ўтказилиши лозим бўлган хона бўйича ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш топшириғининг қиймати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тарифлар бўйича аниқланади.

Нотурар жойни турар жойга қайта ихтисослаштиришда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг рухсатномаси нусхаси бино мулкдори томонидан уч кун мобайнида тегишли солиқ органларига, коммунал хизматларга ва фойдаланувчи ташкилотларга тақдим этилади.

## ЧАКАНА САВДОДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 12.11.2013 йилдаги 306-сон қарори билан сирка кислотасини сотишда ва истеъмол қилишда хавфсизлик талабларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига *(ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган)* қўшимча ва ўзгартириш киритилди.** Ўзгартиришлар киритилган Қоидаларда озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиладиган 10 фоиздан ортиқ концентрацияли сирка кислотасини чакана савдода сотишга йўл қўйилмайди.

Қарор билан «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига «Ўзстандарт» агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда сирка кислотасига амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқиш ҳамда унга ягона талабларни белгилаш топширилди.

ДСҚ, «Ўзстандарт» агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори концентрацияли сирка кислотаси сотилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу маҳсулотни олиб қўйишни амалга оширадилар.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ СОТИШ ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 13.11.2013 йилдаги 307-сон қарори билан Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.**

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибида *(ВМнинг 29.06.2000 йилдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган)* Ўзбекистон ҳудудида ўз ишлаб чиқариши учун фойдаланиш назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш юзасидан контрактни хорижий валютада тузган корхоналар бўйича «хорижий валютадаги тушум» тушунчаси шакллантирилди – мазкур ҳолатда ушбу контрактлар бўйича тушган маблағлар тушунилади.

Хорижий валютадаги тушум, илгари назарда тутилганидек, нафақат Ўзбекистон ташқарисида божхона тартиботлари, юкларни транспортда ташиш, суғурталаш, экспедиция қилиш, воситачилик ҳақи, хорижий банкларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кредитлари учун фоизлар, шу жумладан кафилларнинг фоизлари (муддати ўтказиб юборилган ва муддати кечиктирилган қарзлар бўйича фоизлар бундан мустасно) бўйича контрактларга мувофиқ хорижий валютада тўланган харажатлар миқдорига, балки янги қурилиш, фаолият кўрсатиб турган ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан ваколатли кредитлар учун асосий қарз тўлиқ қайтариб бўлингунгача бўлган даврда, асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтирилаётган маблағлар суммасига камаяди.



Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомда *(ВМнинг 21.11.2000 йилдаги 456-сон қарори билан тасдиқланган)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳисоб-китоблар учун валюта юзасидан аниқлик киритилди.

Аввалгидек, тендер савдоларида қатнашаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) билан ҳисоб-китоблар миллий валюта – сўмда, халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар Ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобига Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда қатнашаётганлар билан эса — контрактда кўрсатилган валютада амалга оширилади.

## СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИ ЎЗГАРАДИ

**Давлат статистика қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 15.11.2013 йилда 2523-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2014 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқланди.**



Қарор 2014 йил 1 январдан кучга киради, шу муносабат билан Давлат статистика қўмитасининг қарори билан тасдиқланган, АВ томонидан 10.12.2013 йилда 2403-сон билан рўйхатдан ўтказилган амалдаги давлат статистика ҳисоботи шакллари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

***Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.***


ЭЪЛОНЛАР

СОТИШ

Ташкилот фойдаланишда бўлган, яхши ҳолатдаги папка-регистрларни арзон нархда сотади. Тўлов – исталган шаклда. Тел. 185-91-83.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича адвокат, юридик хулосалар бериш. МЧЖ, ХКни мутлақ сифат даражада рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 936-06-02, 970-65-91.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Сервис маркази. Компьютерлар, принтерларни таъмирлаш. Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тўлов – пул ўтказиш йўли билан. Тел. 808-14-94.

1С: 7.7 Бухгалтерияга ўқитиш ва ўрнатиш. Тел. (+998 94) 608-79-81.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Архитектура лойиҳалари ва дизайн*. Тел.: (+998 91) 162-60-17.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

# САНСАЛОРЧИ УСТА

*Уйимни пудрат шартномасига кўра иссиқликни изоляцияловчи материаллар билан таъмирлаган тадбиркор ишини тугатмади. 2013 йил майида суднинг апелляция инстанцияси уни менга пуллик компенсация тўлаш ва барча ишларни шартнома доирасида тугатишга мажбур қилди. Суд ижрочилари томонидан ижро ишини юритиш қўзғатилди. 2013 йил августида тадбиркор пулни тўлади, бироқ барибир ишни бажармади. Унинг вакили буни улар суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти берганликлари билан изоҳлади. Орадан 4 ой ўтди. Кассация қанча вақт чўзилиши мумкин? Уни ишни бажаришга мажбур қилишнинг бошқа қонуний усуллари борми?*

**Б.Олимов.**
**Самарқанд шаҳри.**



– Фуқаролик процессуал кодексининг *(бундан кейин – ФПК)* 318-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси судининг ажрими (қарори) чиқарилиши биланоқ дарҳол қонуний кучга киради. Қўлингиздаги ижро варақаси бунинг тасдиғидир. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг *(29.08.2001 йилдаги 258-II-сон, бундан кейин – Қонун)* фуқаролик ишлари ва хўжалик низолари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари ижро этилиши керак.

Қонуннинг 23-моддасига кўра суд ижрочиси ижро ҳужжатини ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт. Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ ижро ҳаракатлари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат (5 кун) тугаган кундан эътиборан кўпи билан 2 ой муддат ичида ижро этилиши керак. Қонуннинг 44, 45-моддаларига мувофиқ ихтиёрий равишда ижро этиш муддати ўтгач суд ижрочиси мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳақлидир. Қонуннинг 46-моддасига кўра уларга қуйидагилар киради:

1) ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;

2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;

2-1) ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан, қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга қаратиш;

2-2) ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкий ҳуқуқларга қаратиш;

3) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;

4) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш;

5) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар.

Сиз суд ижрочисига суднинг ҳал қилув қарорини ижро этишга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш учун ёзма ариза билан мурожаат қилишга ва кейинчалик унинг жавобини юқори органга мансабдор шахснинг ҳаракатлари устидан қилинган шикоятга илова қилишга ҳақлисиз.

ФПКнинг 380-моддаси ва Қонуннинг 32-моддасига кўра сиз ҳал қилув қарорини чиқарган судга ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини ўзгартириш ва ушбу пулга бошқа пудратчини таклиф этиш учун бажарилмаган ишлар қийматини ундириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

ФПКнинг $348^1$-моддасига кўра қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан кассация шикояти берилиши мумкин. Бироқ апелляция инстанциясида фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) кассация тартибида кўрилиши мумкин эмас. Чамаси, сиз билан пудрат шартномаси тузган тадбиркорнинг вакили сизни чалғитмоқчи бўлган.

***Алексей НИЯЗМЕТОВ,***
***юрист.***

*Хўжалик судининг 2012 йил 15 августдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ фойдасига ОАЖдан 100 млн сўм тўлатишга ҳукм қилинди. Ижро ишини юритиш давомида 2012 йил октябрида МЧЖ ўзининг ижро варақасини қайтариб олди. Қайтариб олингандан кейин 10 ой ўтгач у суд ижрочилари бўлимига ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижро этиш тўғрисида хат юбориб, унга ижро варақасини илова қилди. Бироқ суд ижрочиси ижро ишини юритиш учун ижро варақасининг қайтарилиши муносабати билан тугаган деб жавоб берди ва шунга асосланиб МЧЖнинг суд ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижро этиш талабини рад этди.*

*Суд ижрочисининг ҳаракатлари қанчалик қонуний?*

**Д.Бўрихўжаева,**
**МЧЖ бош бухгалтери.**
**Термиз тумани.**

# МУДДАТ ЯРИМ ЙИЛДАН ОШМАЙДИ

– «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун *(29.08.2001 йилдаги 258-II-сон, бундан кейин – Қонун)* 40-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ **ижро ҳужжатларини қайтариш асосларидан бири бўлиб ундирувчининг аризаси ҳисобланади. Унинг ундирувчига қайтарилиши эса ўз навбатида ижро ишини юритишнинг тугаши учун асос ҳисобланади.** Ушбу ҳолда суд ижрочиси ижро ишини юритиш тугаганлиги тўғрисида қарор чиқаради. Унинг нусхалари кейинги кундан кечиктирмай ундирувчи ва қарздорга, шунингдек ижро варақасини берган хўжалик судига юборилади. Айни вақтда суд ижрочиси қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган инкассо топшириқномаларини чақириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловлар бекор қилинганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади *(Қонун 41-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари).*

Шу билан бирга Қонун 40-моддасининг тўртинчи қисмига асосан **ижро ҳужжатининг ундирувчига қайтарилиши мазкур ҳужжатни янгидан ижрога топшириш учун тўсиқ бўлмайди.** Бироқ **у хўжалик судлари томонидан ижро этишга бериладиган ижро ҳужжатларини тақдим этиш учун ҳисобланадиган муддат – хўжалик судининг ҳал қилув қарори кучга кирган кундан бошлаб 6 ой ичида амалга оширилиши керак** *(Қонуннинг 27-моддаси).*

Шунга эътибор қаратиш лозимки, ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган ижро ҳужжатини суд ижрочиси иш юритиш учун қабул қилмасдан, бу ҳақда тегишли қарор чиқаради *(Қонун 29-моддасининг биринчи қисми).* Шу сабабли суд ижрочиси сизнинг ижро варақангизни иш юритишга қабул қилмасликка ҳақли бўлган, чунки уни тақдим этиш муддати тугаган.

Сизга Қонун 29-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ижро варақасини берган хўжалик судига ёки бу ҳужжат ижро этиладиган жойдаги хўжалик судига ижро ҳужжатини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишни тавсия қиламиз. Аризани беришда Хўжалик процессуал кодексининг 215-моддасига амал қилиш лозим.

# ИПОТЕКАНИ КАФИЛЛИККА АЛМАШТИРАМАН

*Банк билан МЧЖ 500 млн сўмлик кредит шартномасини тузди. Жамият мажбуриятларини таъминлаш учун ЁАЖ бино ва иншоотларни гаровга бериб, банк ва МЧЖ билан ипотека шартномасини тузди. Ҳозирги вақтда МЧЖ кредит бўйича ўз қарзини қисман сўндирган. ЁАЖ эса ўзининг айланма маблағларини тўлдириш учун кредит олишни режалаштиряпти, мажбуриятлар ижросини таъминлаш чорасини ипотекадан кафилликка ўзгартирмоқчи.*

*Бундай тарзда алмаштириш мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак?*

**Т.Р., ХОАКИБ юристи.**
**Андижон шаҳри.**

– Фуқаролик кодекси *(бундан кейин – ФК)* талабларига мувофиқ мажбуриятлар ижросини таъминлаш чораларини ипотека шартномасини бекор қилиш ва кафиллик шартномасини тузиш йўли билан ўзгартириш мумкин. Бироқ ушбу таомил бир қатор шартларига риоя этиш заруратини тақозо этади.

Биринчидан, умумий қоидага кўра, ФКда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин *(ФК 382-моддасининг биринчи қисми).* Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса *(ФК 384-моддасининг биринчи қисми).* Шу тариқа, тарафларнинг келишувига кўра мажбуриятлар ижросини таъминлаш чорасини ўзгартириш, яъни ипотека шартномасини бекор қилиш ва кафиллик шартномасини тузиш мумкин.

Иккинчидан, мажбуриятлар ижросини таъминлаш чорасини ўзгартиришга тарафларнинг келишуви мавжуд бўлмаган тақдирда тарафлардан бири ипотека шартномасининг суд томонидан бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли, яъни:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) ФК, бошқа қонунлар ёки шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

ФК 384-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ бир тараф шартномани бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейингина, шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Муддат таклиф олинган пайтдан бошлаб, агар бундай пайт номаълум бўлса, бошқа тараф шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талабни олиши учун зарур бўлган нормал вақт ўтганидан кейин ҳисоблаб чиқарилади *(ОХС Пленумининг 18.12.2009 йилдаги қарори 18-банди).*

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани бекор қилиш учун асос бўлади. Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани бекор қилиш ҳақида келиша олмаган бўлсалар, у айни вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса, бекор қилиниши мумкин:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкий манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганида суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади *(ФКнинг 383-моддаси).*

Учинчидан, шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади. Агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида бекор қилинганида эса – суднинг шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар бекор қилинган ҳисобланади.

Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар. Агар шартномани бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли *(ФКнинг 385-моддаси).*

***Павел СИЛЬНОВ, адвокат.***

*Яқинда чиққан Қонунга кўра ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга қабул қилишда, агар улар ўқишни битиргандан кейин 3 йил мобайнида биринчи марта ишга тушаётган бўлсалар, дастлабки синов белгиланмайди.*

*Шу муносабат билан савол туғилади: ҳали таҳсил олаётган талабага синов муддатини белгилаш мумкинми?*

Ж.Вартанова,
автопарк КБ инспектори.

# ТАЛАБАНИ СИНАБ КЎРИШ МУМКИН

– 7.10.2013 йилдаги ЎРҚ-355-сон Қонун билан Меҳнат кодекси 84-моддасининг учинчи қисмига ўзгартиришлар киритилди, уларга кўра қуйидагилар **ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди**:

- ҳомиладор аёллар;
- 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар;
- корхона учун белгиланган минимал иш жойлари сони ҳисобидан ишга юборилган шахслар;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан 3 йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда;
- ходимлар билан 6 ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилганда.

Меҳнат кодексида дастлабки синов муддатини белгилаш мумкин бўлмаган ходимлар тоифаларининг ёпиқ рўйхати белгиланган. Унга ҳали ўқув юртларини битирмаган, бироқ ташкилотга ишга жойлашаётган ўқувчилар (талабалар) кирмайди. Айни шу сабабли уларга ишга қабул қилинаётганда синов белгиланиши мумкин.

Эслатиб ўтамизки, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида таҳсил олаётган ходимларга иш берувчи ишни ўқиш билан бирга олиб бориш учун зарур шароитларни яратиб бериши шарт. Ўқувчилар эса фақат ўқишдан бўш вақтдагина ишлаш ҳуқуқига эгалар.

# ЎСМИР ИШДА ҲАМКАСБ

*Умумтаълим мактаблари ва коллежлар ўқувчиларини ишга қабул қилиш мумкинми?*

С.Зимарева,
кадрлар бўлими инспектори.

– Ўзбекистон қонун ҳужжатларида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни **ўқишдан бўш вақтида** бажариши учун – улар 15 ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади *(Меҳнат кодексининг (МК) 77-моддаси)*.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тизими ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берадиган, эгалланган касбда ишлаш ёки келгуси босқичда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берадиган ёки бунга асос ҳисобланадиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан иборат.

Шу тариқа, 15 ёшга тўлган ёшлар, ишга қабул қилинаётганда, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома ва ота-онасидан бири ёки улар ўрнини босадиган шахслардан бирининг ёзма розилигидан ташқари, иш берувчига ўқиш жойидан маълумотнома тақдим этишлари керак. Бундан ташқари, фикримча, ишга кирувчидан унинг дарс жадвалини ҳам сўраш ортиқча бўлмайди. Зеро ўқиш жойидан маълумотнома тақдим этишнинг зарурати шу билан изоҳланадики, вояга етмаган йигит ва қизлар, **агар улар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларининг ўқувчилари бўлса, ишга қабул қилинишлари мумкин, улар фақат ўқишдан бўш вақтдагина ишлашлари керак.**

Бироқ иш берувчи шуни ҳам билиши кераки, 18 ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар вояга етгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши керак *(МКнинг 239-моддаси)*.

18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Уларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди*.

18 ёшга тўлмаган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилмайди.



**Қаранг: Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида низом (МАИМҚВ ва ССВнинг АВ томонидан 12.05.2009 йилда 1954-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган); Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитли ишлар рўйхати (МАИМҚВ ва ССВнинг АВ томонидан 29.07.2009 йилда 1990-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган); Бош давлат санитария шифокори томонидан 29.10.2001 йилда тасдиқланган Ўсмирлар учун оғир юкни қўлда кўтаришлари ва ташишларида йўл қўйиладиган энг юқори юкламаларнинг санитария меъёрлари (0116-01-сон ЎзР СанҚваМ).*

*Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.*

# МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ

*Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 1.5-бандида белгиланишича, ишга қабул чоғида ишга кираётган ходим иш берувчига меҳнат дафтарчасини тақдим этиши шарт (ишга биринчи марта кираётганлар бундан мустасно). Амалиётда ишга кираётганда ходимлар «ГТ-I», «МВ-I», «АТ-IХ» ва ҳоказо сериядаги, яъни собиқ Совет Иттифоқида фойдаланилган меҳнат дафтарчаларини тақдим этадиган ҳолларга учрайди.*

*Бундай меҳнат дафтарчасида ишга қабул қилишни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш ва унга ёзувларни қай тарзда қайд этиш керак? Умуман олганда, ишга жойлашишда эски меҳнат дафтарчаларидан фойдаланиш мумкинми ёки ЎзРнинг янги намунасини очиш лозимми?*

А.Воеков,
МЧЖ ижрочи директори.




– Вазирлар Маҳкамасининг 25.07.2000 йилдаги 283-сон қарори *(бундан кейин – 283-сон ВМҚ)* билан меҳнат дафтарчаси бланкалари ҳукумат ваколат берган матбаа корхоналари томонидан «Давлат белгиси» ДИЧБ ишлаб чиқарган, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари бўлган махсус қоғозда тайёрланадиган расмий давлат ҳужжатлари жумласига киритилган *(Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида низомга[1] илова)*.

Меҳнат кодексининг *(МК)* 81-моддаси ва Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномага *(бундан кейин – 402-сон Йўриқнома)* кўра иш берувчи корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Айни шу сабабли меҳнат фаолиятини **1996 йил 1 апрелдан** бошлаган ходимга янги намунадаги меҳнат дафтарчасини очиш лозим, чунки Совет Иттифоқи вақтидаги икки тилдаги бланкалар ўз кучини йўқотган. Бироқ агар ходимнинг меҳнат фаолияти **1996 йил 1 апрелгача** бошланган бўлса, унга илгари юритилган эски намунадаги меҳнат дафтарчаси алмаштирилмайди ва амал қилишда давом этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотларга ўз ходимлари расмий ҳужжатларининг қонунийлиги устидан назоратни кучайтириш ҳақида кўрсатма берилганлигини қайд этиб ўтамиз. Шу муносабат билан ташкилотингизда ишлаётган ходимларнинг барча меҳнат дафтарчаларини ҳақиқийлиги бобида текширишни маслаҳат берамиз.

Кейинги вақтда «Шарқ» нашриёт-матбаа корхонасида тайёрланмаган, яъни сохта бланкалар кўп учрамоқда. Уларни стандарт бланкалардан қуйидаги аломатларига кўра фарқлаш мумкин:

саҳифаларига серия ва рақам қўйилмаган, қўйилган бўлса ҳам, қавариқ эмас;

бланкалар Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида янги меҳнат дафтарчаларини жорий қилиш тўғрисида»ги қарори *(6.07.1995 йилдаги 258-сон, бундан кейин – 258-сон ВМҚ)* иловасида келтирилган намуна талабларига жавоб бермайди. Хусусан, шуни билиш лозимки, меҳнат дафтарчасининг сериясида у харид қилинган меҳнат бўйича ҳудудий орган жойлашган минтақанинг бошланғич ҳарфлари (лотин ёзувида) бўлиши керак *(контрафакт бланкаларда у одатда «TV» ҳарфлари билан белгиланади)*;

бланкалар 258-сон ВМҚ талаб қилганидек Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий органлари орқали сотилмаган.

Бундай меҳнат дафтарчалари аниқланган тақдирда уларни стандарт бланкаларга алмаштириш учун туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилиш лозим.

Бланкаси белгиланмаган тартибда харид қилинган меҳнат дафтарчаси бекор қилиниши керак, ходимнинг меҳнат стажи тўғрисидаги барча маълумотлар эса дубликатга кўчирилади, у 402-сон Йўриқнома талабларига мувофиқ тўлдирилади. У ходим айни вақтда ишлаётган корхонада расмийлаштирилади.

Иш берувчи ходимга мазкур корхонага келишидан аввалги иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжатларни олишда ёрдам бериши керак. Дубликатни расмийлаштириш ишларини белгиланган тартибда ва энг қисқа муддатларда бажариш зарур, чунки текшириш чоғида Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига мувофиқ иш берувчига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ЭКИҲнинг 2–5 баравари миқдорида жарима солиши мумкин.

*[1]283-сон ВМҚга 1-илова.*
*[2]Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

# ОГОҲЛАНТИРИШДАН КЕЙИН – ПРОГУЛ

*Компания бўйича буйруқ билан ишлар ҳажмларининг қисқариши муносабати билан ходимлар штатига ўзгартиришлар киритилиши ва штат бирликлари 15%га камайтирилган ҳолда янги штат жадвали тасдиқланиши эълон қилинди.*

*Ходимлар штат қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида тилхат олиниб огоҳлантирилди. Эртаси куни уларнинг бири ишга чиқмади. Бир неча кун ўтиб кетди, ундан ҳеч қандай дарак йўқ. Уй телефони ва уяли алоқа телефонига қилинган қўнғироқларга жавоб бермаяпти.*

*Биз прогул учун у билан меҳнат шартномасини бекор қила оламизми?*

– Ўзбекистон Меҳнат кодексида *(МК)* қўйилган савол бўйича ҳеч қандай чекловлар назарда тутилмаган. Иш берувчи ўзининг ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини, агар у асосли бўлса ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартибига риоя этилса, бекор қилиши мумкин *(МКнинг 100, 101, 102, 107, 108, 181, 182-моддалари)*.

*Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.*

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 47 (436) • 2013 йил 26 ноябрь

***Бугунги кунда биз ҳар қадамда биринчи қаватдаги квартиралар турли мулкчилик шаклларига мансуб умумий овқатланиш, савдо корхоналари, сартарошхона, дорихона, ательe, стоматология кабинетлари, ремонт устахонаси, офис, маданий-маърифий муассасаларга айлантирилаётганлиги гувоҳи бўляпмиз.***

# УЙ ЎРНИДА САЛОН ОЧИЛДИ

Ушбу янгиланишларга турлича муносабатда бўлиш мумкин. Қолаверса биз турар жойларни нотурар жойларга ўтказишнинг мақбул ёки номақбуллиги тўғрисида мулоҳаза юритмаймиз. Бунинг қулай ва ноқулай томонлари бор. Маиший, савдо, тиббий ва бошқа хизмат тармоқлари анча кенгайганлигини унинг ижобий жиҳати дейиш мумкин – чунки бу хизматлар бизга масофа бўйича жуда яқинлашди. Айни вақтда бундай иншоотлар уй-жой фондининг қисқаришига олиб келди ва оқибатда баъзан таянч ва тўсиқ конструкцияларига боғлиқ жойларни мажбурий тарзда реконструкция қилишга олиб келди.



Бироқ бугун биз бошқа нарса ҳақида фикр юритамиз. «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун *(7.05.1993 йилдаги 846-XII-сон)* қабул қилиниши билан Ўзбекистон фуқароларида хусусийлаштирилган корхоналарни мустақил тасарруф этиш: сотиш, сотиб олиш, нотурар жойларга ўтказиш ҳуқуқи юзага келди. Бироқ буни қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда қилиш керак.

Уй-жой кодексининг 15-моддасида белгиланишича, яшаш учун яроқли бўлган турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга алоҳида ҳолларда, мулкдорнинг ёки у ваколат берган органнинг (шахснинг) аризасига кўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорига биноан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Объектларни қуриш, қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассасасининг аризасига кўра инспекция томонидан таъминланади *(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом 6-банди, кейинги ўринларда – 357-сон Низом)*.

Уй-жой қонунчилиги[2] ва шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида[3] турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишнинг шартлари ва тартиби белгиланган. Бунга 357-сон Низомнинг 46-бандида назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилади.

Бундан ташқари, бундай ўтказишда ШНК 2.08.01-05 «Турар жой бинолари»нинг *(Даварxитектқурилишнинг 7.12.2005 йилдаги 67-сон буйруғи билан тасдиқланган)* қоидалари ҳисобга олиниши керак. Масалан, турар жой уйлари реконструкция қилинганда биринчи қаватларда амалдаги меъёр талабларига мажбурий риоя этилган ҳолда ва манфаатдор инстанциялар, шу жумладан квартиралар эгалари билан келишиб, кичик савдо-маиший хизмат корхоналари, шунингдек идора ва офисларни лойиҳалаштиришга йўл қўйилади. Биринчи қаватларда якка тартибдаги меҳнат фаолияти учун жойлар ажратилганда ШНК 2.08.01-05 билан белгиланган чекловларни ҳисобга олиш лозим. Хусусан, бу ҳужжатга биноан мавжуд биноларнинг техник пол тагидаги жойлар ва ертўлаларидан маиший хизмат ва хусусий бизнес корхоналарини жойлаштиришда фойдаланиш мумкин эмас. Нотурар жойга ўтказилаётган турар жойни реконструкция қилиш ва қайта режалаштириш бўйича ишлар бажарилаётганда эса қурилиш технологияси ва лойиҳа ечимларига қатъий риоя этиш керак.

Бироқ амалиётда кўпинча сейсмик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича меъёрий талабларга риоя этмаслик ҳолларини кузатиш мумкин бўлади. Бундай қоидабузарликлар бўлиб, хусусан, қуйидагилар ҳисобланади: алоҳида конструкцияларнинг таянч имкониятларини кучсизлантириш билан боғлиқ ишларни бажариш, қопламаларнинг монолитлигини ва лойиҳада назарда тутилганидек конструкцияларни тиклаш ва мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни ўтказмаган ҳолда санитария тармоқларида гидроизоляциянинг яхлитлигини бузиш; биноларни секцияларга ажратадиган асосий деворлар ёки ёнғинга қарши ҳисобланган тўсиқларда тешиклар ўрнатиш ёки тўсиб қўйиш, шунингдек деворлардан ўтувчи вентиляция, тутун ва газ қувурларида ҳаво тортишни бузувчи ишларни амалга ошириш – буларнинг ҳаммаси айни вақтда санитария-гигиена шароитларини бузиш, турар жой ва ўтказилаётган жойларда шовқин режимини бузишга олиб келади.

Бинога тақаб қурилган жойларда фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун ўрнатилган меъёрий чеклашларга ҳам кўп ҳолларда риоя қилинмайди. Хусусан, собиқ яшаш квартираларида савдо майдони 1000 кв.метрдан ошадиган дўконларни жойлаштириш ҳоллари учрайди. Уларда ёнғин чиқариш хавфи бўлган товарлар – маиший кимё, синтетик маҳсулотлар ва қурилиш материаллари билан савдо қилинади. Уларда 35 дан ортиқ ўтириш жойига эга бўлган умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш ёки очиқ кабоб кўра ва манқаллар билан боғлиқ иссиқ таомлар тайёрлашга йўл қўйилмайди. Меъёрий талабларга биноан бу ер мусиқали кўнгилочар тадбирлар ҳам ўтказилиши мумкин эмас.

Турар жойлар нотурар жойларга ўтказилганда одатда уларнинг пештоқлари ҳам ўзгаради. Баъзан уларнинг ташқи кўриниши кўча ва маҳаллалар меъморий қиёфасини яхшиламайди. Уларни қурилишни тартибга солиш зонасида ва баъзан қизил чизиқлардан[4] ташқарида жойлаштириш умуман ҳудудни қуриш бош режасини ва хусусан ШНК 2.08.01-05нинг 6.15-бандини бузиш ҳисобланади. Чунончи, унга кўра турар жой биносининг унга тақаб қурилган жойларга қаратилган деразалари бўлса, аҳа шу унга тақаб қурилган жойларнинг томи сатҳи бино асосий қисми турар жой хоналари полининг сатҳидан ошиб кетмаслиги керак, томни пештоқ бўйича бинонинг асосий қисмидан чиқариш эса 3 метрдан ошмаслиги керак. Шу ва шунга ўхшаш қоидабузарликларни бартараф этиш учун жойни (объектни) лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва қабул этиш бўйича барча ишларни 357-сон Низом ва ШНК 2.08.01-05 «Турар жой бинолари» талабларига қатъиян мувофиқликда амалга ошириш лозим.

Жойни ўзбошимчалик билан ўзгартирган шахс унга мулк ҳуқуқини олмайди ва амалдаги қонунчилик меъёрларида назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

***Мирқодир ҲИДОЯТОВ, экспертимиз.***

*[1]ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[2]Уй-жой кодекси; Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида» қарори (20.01.2000 йилдаги 18-сон).*

*[3]Шаҳарсозлик кодекси; 357-сон Низом.*

*[4]Қуришни тартибга солиш чизиқлари – бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида қизил чизиқлардан ёки ер участкаси чегараларидан маълум оралиқ жой ташлаган ҳолда белгилаб қўйиладиган қуриш чегаралари.*

*Қизил чизиқ – даҳалар, мавзелар ва режалаштириш тузилмаси бошқа қисмларининг ҳудудларини аҳоли пунктларининг кўчалари, тор кўчалари ва майдонларидан ажратиб турувчи, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган чегаралар (Шаҳарсозлик кодексининг 2-моддаси).*

***Таҳририятдан.*** *Вазирлар Маҳкамасининг 24.10.2013 йилдаги 288-сон қарори билан 357-сон Низомга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб турар жойни нотурар жойга ва уни аксига ўтказишга рухсатномани «бир ойна» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари беради.*

## Ҳужжат тили билан

Объектни қайта ўзгартириш ёки реконструкциялашда, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришда (фасадни таъмирлашда), юкламалар ҳажмларини ўзгартирмаган ҳолда турар жойни нотурар жойга ўтказишда рухсат олиш талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

объектни қайта ўзгартириш ёки реконструкциялашда, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришда (фасадни таъмирлашда), юкламалар ҳажмларини ўзгартирган ёки ўзгартирмаган ҳолда турар жойни нотурар жойга ўтказишда ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мажбурий риоя қилиш;

келишилган қурилиш лойиҳаси ёки фасад эскизида кўрсатилган объектни қайта ўзгартириш ёки реконструкциялаш, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадни таъмирлаш), турар жойни нотурар жойга ўтказиш;

юкламаларни ўзгартирмаган ҳолда объектни қайта ўзгартириш ёки реконструкциялаш.

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказаётганда рухсат бериш талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

турар жой албатта уй-жойнинг пастки қаватида жойлашган бўлиши керак;

турар жой мақсадли коммунал турар жой фондида бўлмаслиги керак;

алоҳида кириш йўлаги қилиш имконияти бўлиши керак;

турар жой авария ҳолатида бўлмаслиги ёки нотурар жой тоифасига ўтказиш учун яроқсиз бўлмаслиги керак;

турар жой юзасидан суд муҳокамаси кетаётган бўлмаслиги керак.

***357-сон Низомнинг 46-банди.***

Турар жойларни кўп квартирали уйларда жамоат жойларига ўтказаётганда уйнинг яшаш муҳитини эҳтимол тутилган ноxуш таъсирлардан ҳимоя қилишнинг зарур чораларини назарда тутиш керак.

Кўп квартирали уй-жойларга тақаб қурилган жойларга қуйидагиларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

савдо майдони 1000 кв.метрдан ортиқ бўлган дўконлар, ихтисослаштирилган балиқ ва сабзавот дўконлари, ёнғин хавфига эга моддалар ва материаллар (кимёвий бўёқчилик товарлари, маиший кимё, синтетик гилам маҳсулотлари, қурилиш материаллари, автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари) сотиладиган дўконлар, шунингдек ишлатилган кийимларни сотадиган воситачилик дўконлари («секонд хенд»);

ўтириш жойлари сони 35 тадан ошадиган ва очиқ кабоб кўра ва манқаллардан фойдаланган ҳолда иссиқ таомлар тайёрланадиган умумий овқатланиш корхоналари, мусиқий кузатувга эга бўлган кўнгилочар корхоналар;

кеч соат 22 дан кейин ишлайдиган барча хизмат кўрсатиш корхоналари;

таъмирлаш-ишлаб чиқариш устахоналари (бундан кийим тикиш устахоналари мустасно);

шовқин-сурон жараёнига эга бўлган ва тез алангаланадиган материаллар қўлланадиган маиший хизмат корхоналари, бунга қуйидагилар кирмайди: сартарошхоналар, майда маиший асбобларни таъмирлаш устахоналари, кир ювиш ва кимёвий тозалаш корхоналарининг қабул қилиш пунктлари, қуввати сменада 75 кг ичкийимдан ошадиган ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган кир ювиш хоналари, шунингдек ногиронлар меҳнати учун 10 иш жойидан кўп ҳажмда йиғув ва декоратив ишларнинг кичик устахоналари (Д тоифаси);

ҳаммом ва сауналар, соғломлаштириш корхоналари, спорт заллари (тренажёр залларидан ташқари);

майдони 100 кв.метрдан ошадиган автомат телефон станциялари;

клиник-ташхис қўйиш ва бактериологик диспансерлар, барча турдаги диспансерлар ва стационарлар, тиш техник лабораториялари ва ионли нурланишлар манбаи бўлган ташхис қўйиш қурилмалари бўлган бошқа кабинетлар, тез ва шошилинч ёрдам тиббиёт станциялари, шунингдек ветеринария кабинетлари ва лабораториялари;

умумий ҳожатхоналар, дафн этиш бюролари;

уй-жойларга тақаб қурилган трансформатор станциялари;

ишлаб чиқариш устахоналари.

Синтетик буюмлар (гуллар, гиламлар) савдоси бўйича дўконларни ёнғинга чидамлилиги 150 дақиқагача бўлган уй-жой бинолари деворларининг ёпиқ участкаларига тақаб қурилган хоналарда жойлаштириш мумкин.

***ШНК 2.08.01-05нинг 6.2-банди.***

